

ҚОРАҚАЛПОҚНИНГ БОТИР МЕРГАНЛАРИ

ДАВЛЕТБОЕВ Ҷаврон Ендираевич

—
“Ғалаба Боги” ёдгорлик мажмуаси
бошлиғининг ўринбосари, полковник

Ўзбекистон Республикасида ҳар йили 9 Май - Хотира ва Қадрлаш куни ўзгача бир шукухда ўтказиб келинади. Бу кун биз авлодларнинг ота – боболарини Иккинчи жаҳон уруши фронтларида мардонавор жанг қилиб халқимизни фашизм балосидан асраб қолган, уни озодлиги ва фаровон келажаги учун ўз жонларини фидо этган мард ва жасур ўғлонларга кўрсатилаётган хурмат-эҳтиром рамзи сифатида кенг нишонланади. Барчамизга яхши маълум, Ўзбекистонни Иккинчи жаҳон уруши даврида фашизм устидан қозонилган Ғалабага қўшган хиссаси бекиёсдир. Ўзбекнинг жасур фарзандлари фронтнинг олд чизикларида мардонавор жанг килган бўлса, фидойи ва

¹⁵⁴ Тұхтаринов И. Ўзбек ўқчилари. – Тошкент, 1991. – Б. 3–4.

¹⁵⁵ Тұхтаринов И. Ўзбек ўқчилари. – Тошкент, 1991. – Б. 3.

мехнатсевар халқи мамлакат ичкарисидаги фидокорона меҳнатлари билан ғалаба онларини яқинлаштиришга ўзларининг муносиб ҳиссасини кўшиди. Бугунги кунда «Ғалаба боғи» ёдгорлик мажмуаси ва унинг таркибидағи «Шон-шараф» давлат музейи халқимиз томонидан кўрсатилган ана шу жасоратни, матонатни ва фидойиликни ўзида мужассам этган ва ўсиб келаётган ёш авлодга ибрат мактаби сифатида фаолият юритмоқда. Боғ ҳудудида ўрнатилган хайкалтарошлиқ ва амалий санъат намуналари рамзий маънода халқимиз фидокорлиги ва матонатини ифодаласа, музей экспозицияси, унда жойлаштирилган ҳар бир ашё ва буюмлар эса уруш йиллари шукухини ўзида мужассамлаштирган, инсон тақдирини, унинг руҳияти ва маънавиятини чукур очиб берувчи, халик ҳаёти ва турмуш тарзидан ҳаққоний ҳикоя қўлувчи манба сифатида ташриф буюрувчиларда катта таассурот уйғотмоқда. Музей экспозициясида маълумотларни Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар кесимида ёритиб берилиши эса ҳавола этилаётган ашёлар моҳиятини янада ёркинроқ ва чуккурроқ англашга ёрдам беради.

Шу жихатдан олиб қаралганда, музейнинг иккинчи қаватида жойлашган Қорақалпоғистон Республикасига бағишиланган экспозиция ҳам Иккинчи жаҳон уруши йилларида қорақалпоқ халқи ҳаётидан сўзловчи, унинг матонати, мардлиги ва фидокорлигини ёритиб берувчи хужжатлар, фотосуратлар ва бошиқа кўплаб ашёвий манбалар билан бойитилган. Қозонилган буюк Ғалабага Қорақалпоғистон Республикаси ўзининг муносиб ҳиссасини кўшганлиги тарихдан яхши маълум. Бугунги кунда қорақалпоқ элининг олтмиш беш мингдан ортиқ сара йигит-қизлари Иккинчи жаҳон уруши фронтларига сафарбар этилганлиги архив маълумотларида ўз ифодасини топди. Биргина 1941 йилнинг охирига келиб фронтга сафарбар этилганлар сони йигирма тўрт минг беш юздан ортиқ кишини ташкил этди.

Хоразм воҳасида, қорақалпоқ элида вояга етган кўплаб ўғлонлар фронтда ўзларининг ўткир нигоҳли моҳир мерган эканликларини кўп маротаба исботлаганлар. Улар орасида атоқли ёзувчимиз, филология фанлари доктори профессор Матёқуб Кўшжонов, моҳир мерганлиги билан фронтда қўмондонлар назарига тушган қорақалпоқ йигитлари Арсланбек Кабулъбеков, ўзининг мардлиги ва жасорати билан фронт қўмондонлиги томонидан она диёрига миннатдорчиллик мактубларини жўнатилишига сабабчи бўлган қаҳрамонимиз Тўртқуллик Ражаб Бекчановларни мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

«Ғалаба боғи» ёдгорлик мажмуаси ва унинг таркибидағи «Шон-шараф» давлат музейида ҳар йили Ўзбекистонни Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган буюк Ғалабага кўшган ҳиссасини ёритиб бериш мақсадида Халкаро илмий конференциялар ўтказилиши анъана тусиға кириб бормоқда. 2022 йил конференция донрасида Қорақалпоғистоннинг ботир йигитларидан

бири, 1922 йилда Қоралпоғистон АССР, Тахта-Кўпир туманида туғилган Қабулбеков Арсланбекдир. 2019 йилда Россия Федерацияси Смоленск вилояти «Бастион» қидирув гурухи томонидан қидирув ишлари натижасида Қабулбеков Арсланбекнинг жасади ва унга тегнишли бўлган «За боевые заслуги» медали, «Отличный снайпер» кўкрак нишони ҳамда устара Духовшинский тумани худудида топилган. Барча нарсалар Ўзбекистон Ташки Ишлар вазирлигининг Санкт-Петербург шаҳридаги Бош Консулхонаси вакиллари томонидан Мудофаа вазирлиги масъул ходимлари орқали аскар она юртига кайтарилиди ва 2022 йил 29 апрель куни «Шон-шараф» давлат музейида ўтказилган Халқаро конференция тадбирлари донрасида марҳум аскар Қабулбеков Арсланбекнинг якин қариндоши (жияни) Артиқгул опа Матниязовага тантанали равишда топширилди. Буюмлар бир мунча муддат марҳумнинг оила аъзолари хоҳишига кўра Қоралпоғистон Республикаси Қораўзак ва Тахтакўпир туманларидаги қариндошларига кўрсатиш учун олиб кетилди. 2022 йил 21 июнь куни А.Матниязованинг ўғли Нажмиддинов Карамаддин оила аъзоларининг хоҳишистаклари билан «Шон-шараф» давлат музейига олиб келиб топширди. Ҳозирги кунда ушбу экспонатлар музейнинг Қоралпоғистон Республикасига бағишиланган витринасида ташриф буюрувчи меҳмонлар учун тақдим этилган.¹⁵⁶


Яна бир мард мерғаниларимиздан бири Тўрткуллик мард ўғлон Ражаб Бекчанов ҳам Иккинчи жаҳон уруши фронтларида ўзининг мардлиги, жасурлиги билан донг таратди. 1919 йилда туғилган ва 1941 йилда Тўрткуль тумани ҳарбий комиссариати томонидан Иккинчи жаҳон уруши фронтларига сафарбар этилган. Фронтда ўзининг эпчил, чандаст ботир эканлиги билан бир қаторда мохир мерған эканлиги билан ҳам ном таратди. З - Белоруссия Фронти Иккинчи жаҳон урушида козонилган Ғалабага муносиб хисса қўшган фронтлардан бири саналади. Фронтнинг барча жанговар ҳаракатлари Украина, Белоруссия ва Польша йўналиши бўйича олиб борилганлиги сабабли, унинг барча ҳарбий кисм ва дивизиялари ани шу йўналишдаги жангларни олиб боришиган. Фронтнинг 31-Армияси 331-ўқчи дивизиясининг таркибидаги 1104 - ўқчи полк ўзининг мохир мерғанлари билан ҳакли равишида фахрланса арзидиган полклардан бири бўлганлигини биз ҳозирда архив маълумотларидан билиб олмоқдамиз. Умуман бу полк тўғрисида кўплаб архив манбалари сакланиб қолган. Иккинчи жаҳон уруши мавзуси бўйича изланишлар олиб бораётган тадқиқотчи Леонид Игнатенко ушбу полк жанговар йўлини ўрганаётган тадқиқотчилардан бири хисобланади. Ўз тадқиқотлари давомида 1104 - полк комсомол - ёшлари жанговар фаолиятини ўрганиб чиқсан Леонид

¹⁵⁶ «Шон-шараф» давлат музейи экспозициясидан олинган маълумотлар

Игнатенко ушбу полкка бағишлиб күплаб прозаик асарларини ўқувчиларга ҳавола этган.¹⁵⁷

Урунг йилларида хар бир ҳарбий кисм ўз жангчиларини жанговар салохиятини ошириш, жангларда мәрдлик ва жасорат күрсатган аскәрларни бошқаларга ўрнак қилиб күрсатиш мақсадида полк жанговар китоби ёки бўлмаса полк ёшлиари китоби каби турли номдаги ёзма ахборот воситаларида уларни номларини эълон қилишган. Бу турдаги Китоблар жангчилар орасида машхур бўлган ва қўлдан кўлга ўтиб деярли барча бўлинмалар орасида кенг тарқалган. Полк ёшлар етакчилари эса ана шу китоблар учун масъул бўлишган. Снайпер Раджап Бекчановнинг номи эса полкнинг ушбу китобида, ҳаттоқи фотосурати билан нашр этилган. Ҳозирги кунда ана шу фотосурат Раджап Бекчановнинг уруш йилларидаги ягона сурати ҳисобланади.¹⁵⁸

1104 - Минск ўқчи полки комсомеллари амалга оширган жанговар ишларини қайд этиш китобидан келтирилишича: “Раджап Бекчанов - снайпер, полк комсомол ташкилотининг тарбияланувчиси. Ўзининг жанговар ҳисобида 164 та фашистни йўқ қилган, улардан иккитасини ҳаттоқи, кўл жангига пайтида пистолетдан отиб ташлаган. Ўзининг жасурлиги ва мәрдлиги учун беш маротаба орденлар билан тақдирланган.”¹⁵⁹



Кидиув натижасида шу нарса аён бўлдики, ҳақиқатан ҳам взвод командири катта сержант Раджап Бекчанов З-Белоруссия Фронти 31-армияси таркибидаги 71-ўқчи корпуси 331- ўқчи дивизиясининг энг илғор снайперларидан бири бўлган.¹⁶⁰ Унинг фронтда күрсатган жасоратини таърифлаб ҳарбий кисм қўмондонлиги она юрти Тўрткул туманига миннатдорчилик хати йўллаган. Хатда ёзилишича: "...сизнинг юртдошинингиз, ўзбек халқининг мадд ўғлони Раджап Бекчанов қисмимизнинг энг илғор снайперларидан ҳисобланади. Ҳозирги кунгача у жанговар ҳисобида 164 та фашист газандалиарини йўқ қилган. Учта жанговар орденлар: Қизил Байроқ, Қизил Юлдуз ва Монголиянинг Кутб Юлдузи орденлари билан тақдирланган.

¹⁵⁷ Л. Игнатенко Комсомолцы 1104-го СП - Раджап Бекчанов

¹⁵⁸ фото с сайта <https://pamyat-naroda.ru>

¹⁵⁹ ЦАМО РФ. Ф. 7772, оп. 0641334, д. 0001, л. 10.

¹⁶⁰ ЦАМО РФ. Ф. 33, оп. 682525, д. 117, л. 2.

*Отасининг, ҳамкишлекларининг берган тонширикларини шу тарзда фашистларни беаёв қириш билан бажармоқда...*¹⁶¹

Илк бор Раджап Бекчанов 1943 йил 3 январь кунида Ғарбий Фронт Кўмондонлигининг 20-сонли Буйруғи биноан Қизил Юлдуз ордени билан тақдирланган. Масалага ойдинлик киртиш ва кўрсатган жасоратини тавсифини келтириш учун Ғарбий фронт кўмондонлиги буйруклар тўплами архив манбаларидан кидирилганида, кадрлар бўлимнинг архив манбалари сакланиб қолмаган экан ва буйруклар тўпламидаги илк ёзувлар 1943 йилнинг 22 январь санасидаги 77-сонли буйрук билан бошланган экан. Шу туфайли Раджал Бекчановнинг хам тақдирлов варақаси сакланиб қолмаган. Биз бугунги кунда “Память народа” сайтида берилган юкоридаги санада мукофотланганлиги тўғрисидаги маълумот билан чекланиб қолмоқдамиз. Умид қиласизки, ушбу тақдирлов варақаси хам тадқиқотларимиз ва олиб бораётган саъни-харакатларимиз натижасида ёш авлод эътиборига ҳавола этилади.¹⁶²

1943 йилда Раджап Бекчанов илк маротаба Қаҳрамон унвонига тавсия этилган. Унинг тақдирланиши учун 1104 - ўқчи полки командири подполковник Шаталовнинг 1943 йил 20 июнида берган тавсияномасида келтирилишича: “... *снайпер Бекчанов ўз ишини пухта билади ва унинг сир-асрорини мукаммал ўрганган. Полкдаги жанговар фаолияти давомида ўзини амалий тажрибаларни қўллаган ҳолда 12 та снайперларни тайёрлади, улардан Кустов, Мартишев ва бошқалар “Қизил Юлдуз” ордени билан тақдирланишган. Мудофаа олд чизигида душманга ишони бўлишдан қўрқасдан, ҳаётини хавф остига қўйгани ҳолда 131 та немис фашистларининг аскар ва офицерларини йўқ қилди.*

Ўзининг кўрсатган жасорати учун снайпер Бекчанов ҳукумат мукофотига - Совет Итиифоқи Қаҳрамони унвони билан тақдирланишга лойик”.

Лекин берилган тавсияномаларга карамасдан Бекчанов 31-Армия Ҳарбий Кенгашининг 1943 йил 5 июль санасидаги 96/н Буйруғи билан жанговар “Қизил Байрок” ордени билан тақдирланди.¹⁶³

Ҳамюртимизни “Шухрат” (“Слава”) орденинг III даражаси билан тақдирланиши учун берилган тавсияномада уни кўрсатган жасорати қуидагича ифодаланган: “*1944 йилнинг 23 июнь санасида капитан сержант Рафсан Бекчанов Батраковци қишилоги ҳудудида душман мудофасини ёриб ўтиши вақти дадил ва шахдам ҳаракат қилиб биринчи бўлиб жангга отишони ва ўз взводининг жангчиларини душман траншеясини забт этишга ундалди. Ушбу жангда ўзининг шахсий қуроли билан ўнтағача душман аскарини йўқ қилди. 1944 йилнинг 25 июнь санасида эса Теолин қишилоги учун бўлган жангда разведкада бўлган вақти кўл гранатаси ёрдамида душманнинг ўқ очиш нуқтасини вайрон этди.*

¹⁶¹ Книга Краснознаменный Туркестанский. М., 1988. – С. 206.

¹⁶² ЦАМО РФ Фонд 33, описание 682525, яйғма жайлд 117.

¹⁶³ ЦАМО РФ. Ф. 33, оп. 682526, д. 1530, л. 136.

Ушбу кўрсатган қаҳрамонликлари учун катта сержант Раджап Бекчанов давлат мукофотига лойик ва “Шуҳрат” (“Слава”) орденинг III даражаси билан тақдирланшига тавсия этилади.

1104-ўқчи полк командири подполковник Коржавин. 01.07.1944 йил”

Ушбу Тавсияномага асосан Раджап Бекчанов 331 - ўқчи дивизия Кўмондонлигининг 1944 йилнинг 5 июль санасидаги 20 - сонли Буйруғига биноан “Шуҳрат” (“Слава”) орденининг III даражаси билан тақдирланди.¹⁶⁴

1943 йил ушбу санада Қаҳрамон унвонига тавсия этилиб Қизил Байроқ ордени билан тақдирланган Бекчанов тақдир такозоси билан орадан роппа - роса бир йил ўтиб худди шу куни яна бир орден билан тақдирланди Масаланинг энг қизиқ томони шундаки, 1944 йилнинг 5 июль санасидаги “Шуҳрат” (“Слава”) орденининг III даражасини Раджап Бекчанов сал олдинроқ, Белоруссиянинг Витебск ва Гродно вилоятларидағи Теолин ва Батраковци кинлокларини озод этишда кўрсатган жасорати учун олган бўлса, 30 июнь куни жангчиларимиз олиб борилган жанговар харакатлари натижасида пойтахт шаҳар Минскка яқинлашиб қолган эдилар. Бу жойдаги асосий тўсиқ Березина дарёси эди. Дарёning нариги киргогига ўрнашиб олган душман энди жон-жаҳди билан қаршилик кўрсатар ва бизнинг жангчиларимизга умуман имкон колдирмаган эди.

Ана шундай оғир вазиятда катта сержант Бекчанов яна бир бор мардлик кўрсатди. Полкдошларига дарёни кечиб ўтиш таклифини билдириди ва ўзи биринчилардан бўлиб уни сузуб ўта бошлади. Унинг кўрсатган жасорати полк командири Шаталовнинг Раджап Бекчановни Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони билан тақдирлаш учун берган тавсияномасида қуйидагича изохини топди: “...1944 йилининг 30 июнь куни Березина дарёсини кечиб ўтиши вақти катта сержант Бекчанов тиши-тириғи билан қаршилик кўрсатиётган душманнинг ўқ ёғдиришини қарамасдан биринчилардан бўлиб дарёни кечиб ўтишда жонбозлик кўрсатди, ўзининг жасуринги ва мардлиги билан шахсий таркибни қаҳрамонликка унади. Катта сержант Бекчанов батальонда биринчи бўлиб ўз вズводи билан қўлбона аниқомлар ёрдамида дарёдан сузуб ўтди. Шундан сўнг шахсий ташаббуси билан душманнинг артиллерия-минометдан ўқ ёғдиришини ва бомбаларига қарамасдан беш маротаба ниёда қўшини ва қурол-яргини Березина дарёсидан олиб ўтди. Ватан учун бўлган олдинги жсангарда шахсан ўзи спайнерлик милитигидан душманнинг 174 та солдат ва офицерларини йўқ қилган.

Катта сержант Раджап Бекчанов Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони ва Ленин ордени ҳамда Қизил Юлдуз медали билан тақдирланшига лойик”.

1104-ўқчи полк командири подполковник Шаталов 05.07.1944 йил”.

Лекин бу сафар ҳам мард жангчимизнинг қаҳрамонлиги ўзининг муносиб эътирофини топмади. З-Белоруссия Фронти 31-армияси 36 - ўқчи корпуси Кўмондонлигининг 1944 йил 5 июль санасидаги 69/н-сонли Буйруғига асосан

¹⁶⁴ ЦАМО РФ. Ф. 33, оп. 686196, д. 1848, л. 198

катта сержант Раджап Бекчанов II даражали Ватан уруши ордени билан тақдирланди.¹⁶⁵

Архив манбаларида келтирилган маълумотларни ўрганиш натижасида шу нарсани таъкидлашимиз мумкинки, коракалпоқ халқининг мард ўғлони Раджап Бекчанов Иккинчи жаҳон уруши фронтларида кўрсатган мардлиги ва жасорати учун икки маротаба Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига тавсия этилган, текин ушбу гавсияномалар бирортаси ҳам ўзининг ижобий натижасини топмади.

Биз тадқиқотчилар ҳарбий тарихимиз қатларида изсиз қолиб кетган шу каби ватандошларимизнинг номларини қайта тиклаб, уларнинг жасорати ва хотираси мангуд эканлигини ёш авлод вакиллари онгига сингдиришимиз зарур. Зероки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 75-йиллигига бағишилаб сўзлаган нутқида таъкидлагандек "...униб - ўсиб келаётган келаётган ёш авлодимиз фашизм балосига қарши қурашда жасур аждодларимиз кўрсатган мардлик ва матонатини асло ёдидан чикармаслиги керак".¹⁶⁶

Иккинчи Жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 78 йиллигига бағишланган халқаро:

"Кўп миллатли Ўзбекистон халқининг Иккинчи жаҳон уруши йилларида фронт ва фронт ортида кўрсатган беқиёс жасорати: Тарих, талқин, технология" мавзусидаги илмий-амалий конференсия тўплами (2023 йил), (104-110)